



PLACEMENT OF CHILDREN DEPRIVED OF PARENTAL CARE: EXPERIENCE OF FOREIGN COUNTRIES

D. S. Qandakharova

Master's student

Law Enforcement Academy

Tashkent, Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: children, children deprived of parental care, foster parent, foster family, guardianship and trusteeship.

Received: 16.01.24

Accepted: 18.01.25

Published: 20.01.25

Abstract: the article shows the concept of foster parents, their legal status, and issues surrounding the protection of rights and interests of children raised in foster families. It compares global practices in this area with the current legislation of our republic and provides proposals for relevant legislative acts.

ОТА-ОНА ҚАРАМОҒИДАН МАҲРУМ БЎЛГАН БОЛАЛАРНИ ЖОЙЛАШТИРИШ: ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР ТАЖРИБАСИ

Д. С. Қандақарова

магистратура тингловчиси

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш Академияси

Тошкент, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: бола, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган бола, тутинган ота-она, тутинган оила, васийлик ва хомийлик.

Аннотация: мақолада тутинган ота-она тушунчаси, уларнинг мақоми, тутинган оилада тарбияланаётган болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш масалалари, бу борада жаҳон тажрибаси республикаимизнинг амалдаги қонун ҳужжатлари билан қиёсланган ҳолда ўрганилган ва тегишли қонун ҳужжатларига таклифлар берилган.

УСТРОЙСТВО ДЕТЕЙ, ОСТАВШИХСЯ БЕЗ ПОПЕЧЕНИЯ РОДИТЕЛЕЙ: ОПЫТ ЗАРУБЕЖНЫХ СТРАН

Д. С. Кандахарова

студент магистратуры

Академия правоохранительных органов

Ташкент, Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: ребенок, ребенок оставшегося без попечения родителей, приемных родителей, приемной семьи, опеки и попечительства.

Аннотация: в статье рассмотрены понятие приемных родителей, их статус, вопросы защиты прав и интересов детей, воспитывающихся в приемной семье. Изучен мировой опыт в этой сфере в сопоставлении с действующим законодательством республики, а также представлены предложения по совершенствованию соответствующих законодательных актов.

Жамият шаклланибдики, ота-оналар ва болалар ўртасидаги масалалар ҳамиша долзарб бўлиб келади. Оила тинчлиги ва фаровонлиги, эр-хотинлар ўртасидаги муносабатлар ўзаро ишонч ва ҳурмат устига қурилганлиги, инсоний кадр-қимматни таъминланганлигига чамбарчас боғлиқ саналади. Айнан шундай оилавий муҳитда тарбияланаётган болалар ҳақиқий маънода ота-оналарининг ғамхўрлиги ва ҳимояси остида бўладилар.

Афсуски, жамиятда нотинч оилалар ҳам борки, ота-оналар ёки улардан бирининг фарзанди олдидаги мажбуриятларини бажармаслиги, ёинки уларнинг ахлоқ-одоб қоидаларини менсимай турмуш тарзини юритишлари, шу оилада тарбияланаётган болага нисбатан хавф туғдиради. Бу ҳолат ота-онанинг ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолатлар, масалан улардан бири ёки иккаласининг ҳам вафот этиши, оғир касалликларга чалиниши оқибатида боласига ғамхўрлик қилиш имконига эга бўлмаслиги билан боғлиқ бўлиши ҳам мумкин. Бундай ҳолатларда мурғак ва ўзини-ўзи ҳам маънан, ҳам жисмонан ҳимоя қилиш имкониятлари чекланган болаларни ҳимоя қилишни давлат ўз зиммасига олади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида боланинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш ҳамда ҳимоя қилиш, унинг жисмоний, ақлий ва маънан тўлақонли ривожланиши учун энг яхши шарт-шароитларни яратиш давлатнинг мажбурияти эканлиги мустаҳкамланганлиги, шу билан бир қаторда ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган боланинг давлат ҳимоясида бўлиши халқаро ҳужжатлар билан ҳам тасдиқланганлигини кўришимиз мумкин.

Жумладан, “Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги 1989 йил 20 ноябрь кунги Конвенциянинг 20-моддасида “вақтинчалик ёки доимий оила ғамхўрлигидан маҳрум бўлган ёки ўзининг “энг яхши манфаатларида” бу оилавий муҳитда қолиши мумкин бўлмаган ҳолатларда бола, давлат томонидан тақдим этиладиган алоҳида ҳимоя ва ёрдамга ҳақли бўлади.

Шу ўринда миллий қонунчилигимизда ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни жойлаштиришнинг иккита шакли мавжуд булиб, булар оилага ва оиладан ташқари муассасаларга жойлаштиришда ифодаланади. Ўз навбатида, оилага жойлаштириш ҳам икки

шаклда, яъни доимийга (фарзандликка олиш) ва вақтинчалик (васийлик ва ҳомийлик, тутинган оила, патронат оилага тарбияга бериш) шаклда амалга оширилади.

Янги Ўзбекистонда ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни улар учун энг мақбул ва манфаатли шаклда, яъни тутинган оила тарбиясига жойлаштиришга давлат сиёсати даражасида устиворлик берилди.

Шу ўринда президентимиз Ш.Мирзиёев етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг янги тизимини жорий этиш чора-тадбирлари бўйича йиғилишда шундай деганлар: “Ҳар бир гўдак бу ёруғ дунёга келар экан, унга ҳамма ота-онаси бағрида яйраб ўссин, бахтли-саодатли бўлсин, деб тилак билдиради. Лекин, тақдир тақозоси билан уларнинг айримлари ота-она меҳридан бенасиб қолади. Бундай ҳолатда бу норасида болаларнинг айби йўқ эканини тушунамиз, албатта. Лекин, бир ўзимизга савол берайлик, ушбу меҳрга муҳтож болалар ғамхўрликни тўлиқ ҳис қиляптими? Афсуски, йўқ”

Меҳрибонлик уйларида эмас, балки айнан оила муҳитида ота-она, ака-укалар билан биргаликда, ўзаро меҳр-оқибатда, илиқ муносабатларда ўсиб улғайиш албатта боланинг энг яхши манфаатларини ифодалайди.

Оиладаги муҳит, унинг ҳаётнинг турли ўнқир-чўнқирликлари, қийинчиликларга нисбатан кўникма ҳосил қилиши, турли ёт ғояларга нисбатан унда маънавий иммунитет ҳосил бўлиши учун ҳам муҳим. Боланинг бу каби ҳаётда тобланиши учун унинг махсус муассасада, яъни Меҳрибонлик уйида бўлиши ва тарбияланиши етарли имконият бермайди.

Президентимиз бу борада шундай фикр билдирадилар: ““Меҳрибонлик уйлари” ва “Болалар шаҳарчалари”даги тарбиячиларнинг 95 фоизи аёллар бўлиб, болалар уларни “она” деб чақиришади. Лекин “ота” тарбияси-чи? Бу ердаги фарзандларимизни оилага имкон қадар яқин муҳитда тарбиялашимиз учун, албатта, “ота” ва “она” меҳрини бера оладиган тизим яратишимиз керак”

Дарҳақиқат юртимизда ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни оила тарбиясига қайтариш борасида мисли кўрилмаган даражада ўзгаришлар амалга оширилди.

Хусусан, 2019 йил 11 февраль кунги Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Етим болалар ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги ПҚ-4185-сонли ва Вазирлар Маҳкамасининг жорий йилнинг 30 сентябрдаги “Етим болалар ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни жойлаштиришнинг муқобил шакллари танлаш, оила институтини мустаҳкамлаш ҳамда ижтимоий етимликнинг олдини олиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорлари қабул қилинди.

Ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни оилага яқин муҳитда тарбиялаш шакллари кенгроқ жорий қилиш йўлида, 2023 йилда Республикада фаолият юритган 23 та “Меҳрибонлик уйи” фаолияти тугатилиб, 2448 нафар тарбияланувчидан 694 нафари ота-онаси ва яқин қариндошлари тарбиясига қайтарилди, 516 нафари фарзандликка, васийликка, ҳомийликка, патронатга берилди, 753 нафари ёки 33 фоизи “Оилавий болалар уйлари”га жойлаштирилди.

Болаларни тутинган оилага тарбияга бериш тартибларини белгилаш билан боғлиқ норматив ҳуқуқий асосни яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 16 августдаги 451-сонли қарори билан “Оилавий болалар уйлари тўғрисида”ги Низом тасдиқланди. Жорий йилнинг 1 январидан бошлаб, Оилавий болалар уйлари Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги тизимига ўтказилди.

Жорий йилнинг 15 июль ҳолатида республикамызда 125 та Оилавий болалар уйларида 635 нафар болалар тарбияланиб келган.

Етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни тутинган ота-она тарбиясига беришга алоҳида эътибор қаратилаётган бир даврда, бу борада узоқ йиллик амалий тажрибага эга хорижий давлатлар тажрибасини қиёсий ўрганиш, ижобий тажрибани миллий қонунчилигимизни такомиллаштириш йўлида фойдаланиш, соҳадаги ишларни ташкил этиш самарадорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Хусусан, Европа давлатларида етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни жойлаштиришда энг аввало яқин қариндошларга васийликка бериш, бунинг имкони бўлмаганда эса бошқа оилага тарбияга беришга алоҳида аҳамият қаратилади.

Мисол учун Германияда болалар ва ёшлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга ҳукуматнинг энг асосий устивор вазифаси сифатида қаралади. Асосий қонунда ота-она болаларига ғамхўрлик қилишликлари ва уларни тарбиялашга мажбур эканликлари бунда назорат давлат ва жамият томонидан амалга оширилиши назарда тутилган.

Германияда болани фарзандликка беришдан кўра уларни тутинган ота-она тарбиясига бериш кўпроқ мақсад қилинади. Шунга кўра боланинг қондош ота-онаси билан мулоқоти чекланмайди ва ўз оиласи тарбиясига қайтиш имконияти сақланиб қолади. Қонун боланинг қондош оилавий муҳитида сақлаб қолиш билан боғлиқ охириги имконият ҳам қолмаган ҳолатда уни тутинган оила ёки махсус муассаса тарбиясига беришни назарда тутати.

Бунда аввало боланинг яқин қариндошлари, агар уларда болани ўз тарбиясига олиш истаги бўлмаган тақдирда, бола тарбияланаётган муҳитга яқин бўлган инсонлар доираси, масалан уларнинг ўқитувчилари, спорт мураббийлари ва бошқа яқин инсонлар доираси ўрганилади. Болани жойлаштириш масаласида бир вақтнинг ўзида ҳам давлат ҳам нодавлат ташкилотлари кўмаклашади.

Яна бир ўзига хос жиҳат шундаки, бу давлатда етим болаларни SOS болалар шаҳарчасига жойлаштириш амалиёти ҳам мавжуд. Бу педагогик ғоя Австриялик олим ва амалиётчи Герман Гмайнерники бўлиб, унда оила тамойили асосида болалар меҳрибонлик уйлари ташкил этилган. Шаҳарчада болалар ўз оилалари, ота-оналари, ака-укалари ва оилавий муҳитда тарбияланиш имконига эга бўлишган.

Бу халқаро хайрия ташкилоти фақат ҳомийлик маблағлари ҳисобига фаолият олиб боради ва ўзида бутун дунё бўйлаб 132 мамлакатда 500 та болалар шаҳарчасини бирлаштиради.

Бундан ташқари, Германияда ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни тарбиялаш учун жойлаштиришнинг замонавий шакли-фостер оилаларга (Foster care) тарбияга бериш амалиёти ҳам кенг қўлланилади.

Статистик маълумотлар болаларни жойлаштириш шакллари танлашда қарийиб 80 фоиз ҳолларда уларни айнан тутинган ота-оналар тарбиясига бериш амалга оширилганлигини кўрсатади, болаларнинг 15 фоизига яқини махсус болалар уйлари муассасаларига жойлаштирилади. Уларни бу муассасага жойлаштиришнинг 30 фоизига яқин қисми суд қарорлари асосида амалга оширилади. Қолган ҳолатларда эса ота-оналар фарзандларини уларга нисбатан барча ҳуқуқларини сақлаб қолган ҳолда вақтинчалик болалар уйларига топширишлари ва исталган вақтда уларни ўз тарбияларига қайтариб олишликлари мумкин.

Буюк Британияда эса болани унинг ўз оиласидаги зиддиятлар бартараф бўлгунига қадар болалар уйига вақтинчалик ёки доимий тарбиялаш учун жойлаштириш шаклига энг охирги чора сифатида қаралади. Бунда ҳокимият ота-она, бола тарбиясини уудалай олмайётган ёки оиладаги шарт-шароит бола учун хавф туғдириши сабабидан аралашувни тақозо этганда, болани жойлаштириш масаласини кўриб чиқади. Ҳокимиятга бу каби хабарлар кўпинча бола таълим-тарбия олаётган мактабгача таълим муассасаси ходимлари, мактаб ўқитувчилари, баъзи ҳолларда ҳаттоки кўшнилардан ҳам келиб тушади.

Кўп ҳолларда зиддият ва оилавий келишмовчиликларнинг асосий сабаби, ота-она ёки улардан бирининг алкоголь ёки наркотикни суиистеъмол қилиши билан боғлиқ саналади. Болани биринчи навбатда ўзининг яқин қариндошлари ҳимоясига топшириш имкониятлари аниқланади, агар улар бўлмаса ёки болани васийликка олиш истагини билдирмаса, бошқа ихтиёрий васийни топишга киришилади. Агар суд болага тутинган оилани топиш лозим деган тўхтамга келса, унда болани тарбиясига олиши мумкин бўлган оила ахтарилади, бу оралиқ даврда эса бола меҳрибонлик уйи шаклидаги муассасага вақтинчалик жойлаштирилади. Агар шу муддатда ижтимоий хизматлар болани қондош оиласида вазият яхши томонга ўзгарган деган хулосага келса, бола ўз ота-онасининг тарбиясига

кайтирилади. Шунингдек васийга мухтож болаларни ишдан дам олиш кунларида тутинган оилага тарбияга бериш амалиёти ҳам мавжуд.

Шу ўринда, Англияда ота-она қарамоғидан махрум бўлган болаларни жойлаштириш масалалари билан профессионал ижтимоий хизмат вакиллари шуғулланадилар ва барча ҳолатларда болаларни болалар уйлари ёки фостер оилаларга жойлаштирилган вақтдан эътиборан кўрсатилган хизматлари сифати учун уларга жавобгарлик юклатилади.

Бу давлатда хусусий хайрия ташкилотлари ижтимоий етимликни олдини олиш масалалари билан шуғуллансада, бундай тоифа болалар учун ғамхўрлик қилиш ва уларни ҳимоя қилишда барча масъулиятни давлат ўз зиммасига олган. Бу масъулият 1601 йилдаёқ, Парламент томонидан қабул қилинган “Қашшоқлар ҳуқуқлари тўғрисида”ги қонунда мустаҳкамланган. Фостер оилаларнинг ўз тарбияларига берилган болаларни тарбиялаш билан боғлиқ мажбуриятлари қонунларда алоҳида белгилаб берилган ва бу оилаларда болалар сони уч нафардан ошмаслиги билан боғлиқ чеклов ўрнатилган.

Етим ва ота-она қарамоғидан махрум бўлган болаларни жойлаштириш масаласида АҚШнинг кўп асрлик, ғоятда улкан тажрибаси бор десак муболаға бўлмайди. 1853 йилда дин идораси вакили бўлган Чарльз Лоринг Брейс Нью-Йоркда мамлакатнинг ғарбий қисмидаги (Мичиган, Огайо, Айова, Индиана, Канзас, Миссури штатлари) фермерлар оилаларига ота-она қарамоғисиз қолган болаларни текинга яшаш учун жойлаштиришни асосий мақсад йўналиши сифатида белгилаган “Болаларга ёрдам жамияти”га асос солади. Бироқ, кейинчалик бутун давлат миқёсида ота-она қарамоғидан махрум бўлган болаларни тутинган оилаларга жойлаштириш кенг миқёсда қўлланилган, бироқ тутинган ота-оналар билан шарномалар расмийлаштирилмаган ва “Болаларга ёрдам жамияти” исталган вақтида тутинган оила тарбиясидан болани олиб қўйиши мумкин бўлган.

Ҳозирги кунга келиб ҳам АҚШда болаларни тутинган оилага жойлаштириш шакли энг оммалашган амалиётдир. XX асрнинг биринчи ўн йиллигида, болаларни уларга бегона тутинган оила тарбиясига бериш билан боғлиқ ташкилий масалалар “Болаликни ҳимоя қилиш тизимининг умумхайрия бўлимлари” ёки махсус бюролар ёинки болаларни жойлаштириш муассасалари томонидан амалга оширилган.

Бундан ташқари, болаларга ёрдамнинг бу шакли хусусий ва жамоат ташкилотлари, шу жумладан диний ташкилотлар томонидан ҳам амалга оширилган. Бу даврда болаларни тутинган оилага тарбияга қабул қилишнинг пуллик ёки текин шакллари қўлланилган. Биринчи шаклда тутинган ота-оналар ота-она қарамоғисиз қолган болаларни ҳеч қандай пул таъминотисиз, келгусида фарзандликка олиш мақсадида тарбияларига олишган. Бу тоифа оилаларнинг кўп ҳолларда ўз фарзандлари бўлмаган. Ўзининг оиласида кўп фарзандли бўлган фермерлар эса, 2-3 нафар болани асраб, тарбиясига олиш баробарида

бироз пул ишлаб олишларини ҳам яширишмаган. Тутинган оиланинг учинчи шакли ҳам бўлиб, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ишчи оилага тарбияга беришни назарда тутган. Бунда болалар уларга ғамхўр оилавий муҳитда тарбияланишган ва тутинган ота-онанинг ҳимоясида бўлиб, бир вақтнинг ўзида мустақил ишлаб, даромад топиш имкониятига эга бўлишган. Ишлаб топилган иш ҳақининг бир қисми, агар шартномада бошқача ҳолат белгиланмаган бўлса, тутинган ота-онага берилган.

Эътиборли жиҳати шундаки, болаларнинг қондош ота-онаси тутинган оилага болани боқиш учун керакли маблағни тўлаб бериши шарт бўлган ва бу тўланган суммани ҳар бир болага харажат қилишнинг тартиби ҳам Федерал болалар бюроси томонидан белгилаб берилган. XX асрнинг 20-йилларга келиб, болани тарбиясига олиш истаги бўлган оилалар тўлиқ ўрганиб чиқилгандан сўнггина улар тутинган ота-она сифатида танланган. Ўрганиш жараёнидаги талаблар, “Оиланинг бола билан олиб борадиган ишлар режаси”ни тузишни истисно этганда замонавий тартиблар билан бир хил бўлган. Ўрганиш натижасида олинган барча маълумотлар умумлаштирилиб, тутинган оила сифатида болани тарбиясига олиш истагини билдирган оилага болалардан айнан қайси бирини бериш мумкинлиги ҳал этилган ва ҳар бир бола билан қандай тарбиявий ишлар амалга оширилиши билан боғлиқ режа тузилган. Бунда нафақат тутинган ота-онанинг оилавий шароитлари, бола қондош оиласида тарбияланган шароит ва боланинг ўзининг алоҳида шахсий хусусиятлари, унинг характери тўлиқ ўрганилган. Боланинг тутинган оилада тарбияланиши ҳар бир-икки ойда жойида ўрганиш орқали қатъий назоратга олинган. Болаларни янги оиладаги аҳволини ўрганиш билан бир қаторда, уларга психологик-педагогик ёрдам берилган, судларда болаларнинг ҳуқуқлари ҳимоя қилинган. Тутинган ота-оналар мунтазам равишда уларнинг оиласига болани жойлаштирган ташкилот билан ҳамкорлик қилишган, жумладан болалар агентлари билан тез-тез ёзишмалар билан алмашишган. Ташкилотлар тутинган ота-оналарни педагогик маҳоратлари ва болани тарбиялаш борасидаги кўникмаларини шакллантириб бориш мақсадида, улар учун махсус тренинглар ва оналар учун конференциялар ташкил этиб боришган.

Замонавий Америкада ҳам ижтимоий етим болаларни профилактика қилиш, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни оила тарбиясига бериш борасида таъсирчан ва самарали сиёсат олиб борилади. Бу тоифа болаларни алоҳида меҳрибонлик уйларига эмас, балки улар вояга етгунига қадар вақтинчалик тарбия учун тутинган ота-оналар тарбиясига беришга устиворлик берилади. Эътиборли жиҳати, ижтимоий хизмат ходимлари боланинг қондош оиласидаги кризис вазиятини бартараф қилиш бўйича ҳам алоҳида индивидуал режалар ишлаб чиқиб, уни амалга оширишга мажбурдирлар. Болани тутинган оила тарбиясига бериш ҳақидаги қарор ижтимоий хизмат округ депатраментининг директори

томонидан қабул қилинади. Шунингдек қондош ота-она ва махсус агентлик ўртасидаги ихтиёрий келишув, боланинг васийи аризаси ёки суд қарори билан ҳам бола тутинган оилага жойлаштирилиши мумкин.

Статистика маълумотларига эътибор қаратадиган бўлсак, тутинган оила тарбиясига берилган болаларнинг фақат 10 фоизигина токи вояга етгунига қадар шу оилада қолиши, қарийиб ярмидан кўпи ўзининг қондошлари оиласига қайтганлигини кўриш мумкин. Бу шундан далолат берадики, боланинг қондош ота-онасининг оиласидаги кризис ҳолатини бартараф қилишга ва болани ўз ота-онасининг оиласига қайтариш учун нормал шарт-шароитни таъминлашга қаратилган мақсадли фаолият жуда самарали йўлга қўйилган.

Россия Федерациясида ҳам бу борада алоҳида Стратегик тадбирлар режаси ишлаб чиқилган ва режадан кўзланган асосий мақсад, тутинган оилаларда тарбияланаётган болалар сонини 50 фоизга камайтириб, бундан иқтисод қилинган пул маблағларини оилани мустаҳкамлашга қаратилган методларни ишлаб чиқиш ва ҳаётга татбиқ этишга йўналтиришни назарда тутди. Бу давлатнинг оила қонунчилиги бўйича ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни жойлаштиришда оила тарбиясига беришга алоҳида эътибор қаратилади. Россия Федерацияси Оила кодексининг 123-моддаси 1-қисмига асосан, болаларни бундай тартибда оилага тарбияга беришнинг фарзандликка бериш, васийлик ва ҳомийлик, тутинган ота-она тарбиясига бериш шакли танланади. Болаларни бу шаклларда жойлаштиришнинг имкони бўлмаган ҳолларда, улар махсус муассасалар, жумладан меҳрибонлик уйлари, мактаб интернатлари ва бошқа ногиронлик уйларида жойлаштирилади. Муассаса шаклини танлашда боланинг ёши ва соғлиғи ҳолатлари инобатга олинади.

Халқаро амалиётни ўрганиш натижалари шуни кўрсатмоқдаки, етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни оила тарбиясига жойлаштириш шакли сифатида “тутинган оила” мустақил институт сифатида қаралади ва бу шаклга алоҳида устиворлик берилади.

Фикримизча, миллий қонунчилигимизда ҳам мазкур тоифа болаларни жойлаштириш шакллари танлашда, аввало бола қондош оиласида тарбияланган муҳитга яқин бўлган қариндошлари васийлиги ёки ҳомийлигига бериш, агар имкони бўлмаганда уларни тутинган оилага, оилавий болалар уйига ёки патронатга тарбияга бериш, болани қондош оиласидаги муҳит яхшиланган тақдирда унинг манфаатларидан келиб чиқиб, ўз ота-онаси тарбиясига қайтариш имкониятини сақлаб қолиш нуқтаи назаридан уни оилага тарбияга бериш имкони бўлмаган ҳолатлардагина фарзандликка бериш ва ниҳоят охириги чора сифатида болани махсус давлат муассасасига жойлаштириш тартибларини белгилаш мақсадга мувофиқ. Шу билан бир қаторда оила қонунчилигимизда болани тутинган оилага

ва патронатга бериш шакллари бир-биридан алоҳида мустақил институтлар сифатида ажратиш мақсадга мувофиқ. (Мисол учун Қозоғистон Республикаси Никоҳ ва оила кодексда бу иккала шакл алоҳида нормаларда белгиланган)

Амалдаги Оила қонунчилигимизда ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни жойлаштириш шакллари сифатида, оила (фарзандликка олинishi, васийлик, ҳомийлик белгиланиши ёки тутинган оила)га берилиши, бундай имконият бўлмаганда эса, етим болалар ёхуд ота-оналар қарамоғидан маҳрум бўлган болалар учун тайинланган муассасалар (тарбия, даволаш, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш муассасаси ва шунга ўхшаш бошқа муассасалар)га тарбияга бериш шакллари кўзда тутилган. Норма мазмунидан васийлик ва ҳомийлик органи мазкур тоифадаги болаларни жойлаштириш шаклини танлашда фақат оилага тарбияга беришга (шаклидан қатъи назар) устиворлик беришликларинигина кўзда тутлади. Бунда оилага тарбияга бериш шакллари танлашда ҳам айнан қайси шаклга устиворлик бериш алоҳида кўрсатиб ўтилмаган. Шу каби, мазкур нормада ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болани “Оилавий болалар уйи”га жойлаштириш шакли мавжуд эмас.

Шунингдек, Оила кодекси ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни жойлаштириш шакл ва қоидаларини белгиловчи асосий, махсус қонун ҳужжатидир. Шунга кўра бошқа қонун ости ҳужжатлари ҳам ушбу қонун талабларига мувофиқ бўлиши талаб этилади.

Юқоридагиларга асосан қуйидаги таклифларни илгари суришни лозим деб ҳисоблаймиз.

Биринчидан, Оила кодексининг 150-моддасининг 1-қисмини янги таҳрирда, яъни ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни оила (**васийлик, ҳомийлик белгиланиши, агар васийлик ёки ҳомийлик белгилаш имкони бўлмаганда тутинган оила, оилавий болалар уйи ёки патронатга тарбияга берилиши ёки фарзандликка олинishi**), бундай имконият бўлмаганда, етим болалар ёхуд ота-оналар қарамоғидан маҳрум бўлган болалар учун тайинланган муассасаларга тарбияга берилиши лозимлиги таҳририда баён қилиш;

Иккинчидан, Оила кодексида тутинган оилага тарбияга бериш ва патронатни ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни жойлаштиришнинг мустақил шакллари сифатида белгилаш, бунда тутинган оила тарбиясига бериш билан боғлиқ нормаларни 22-бобда қолдириш, патронатни алоҳида янги боб сифатида киритиш, болани тутинган оилага тарбияга беришда муддатни токи бола 18 ёшга тўлгунига қадар, болани патронатга тарбияга беришда шартнома муддатини 3 ойдан бир йилгача белгилаш, патронат тарбиячилар сифатида педагогик, психологик, тиббиёт маълумотига эга шахсларга устиворлик бериш ва улар билан ўзини-ўзи банд қилган шахс сифатида меҳнат шартномаларини тузиш ва ҳақ

тўлаш, тутинган оиладан фарқли равишда патронатга бериладиган болалар сонини уч нафар чегарасида белгилаш;

Учинчидан, оилавий болалар уйини ташкил этган эр ва хотинга нисбатан Оила кодексига “оилавий болалар уйи тарбиячилари”, тутинган оилага нисбатан “тутинган ота-она” тушунчасини қўллаш, тарбияга берилаётган болалар сонини оилавий болалар уйида камида 3 нафардан 5 нафаргача, тутинган оилада 3 нафаргача чегарасида белгилаш;

Тўртинчидан, иккала тарбия шаклида ҳам болаларга тўланаётган нафақадан ташқари, оилавий болалар уйи тарбиячилари ва тутинган ота-оналарни меҳнатига ҳақ тўлаш ва улар билан Васийлик ва ҳомийлик органининг иш берувчи сифатида меҳнат шартномаси тузиш тартибини белгилаш (Бу орқали тарбиячиларнинг бошқа ҳақ тўланувчи ишда ишламасдан, тўлиқ кун давомида болаларнинг тарбияси ва назорати билан шуғулланишларига имкон яратилади);

Бешинчидан, Оила кодексига ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ўз тарбиясига олиш истагини билдирган шахсларни, оилага тарбияга олишнинг қайси шакли бўлишидан қатъий назар, номзодларни талабгор сифатида чиқишига монелик қилувчи ҳолатларни бирхиллаштириш (Бунда фарзандликка олишга монелик қилувчи ҳолатлар, тутинган ота-оналар, оилавий болалар уйи тарбиячилари ва патронат тарбиячисига нисбатан ҳам қўлланиши, келгусида болаларнинг мазкур оилаларда рисоладагидек тарбияланиши ва уларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик ва эҳтимолий бошқа қонунга зид хатти-ҳаракатлар содир этилишини олдини олишга хизмат қилади);

Хулоса ўрнида, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни жойлаштириш шаклини танлашда босқичма-босқич устиворлик тамойилини қўллаш, болаларнинг қондош оиласидаги бола учун хавфли вазиятни бартараф қилиш, ота-онани турли ҳаётий оғир вазиятлар ва кризисдан чиқариш йўлида улар билан мақсадли ишлар олиб бориш орқали тутинган оила тарбиясидаги болани ўз ота-онаси тарбиясига қайтаришга эришиш чораларини кўриш, келгусида ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларни Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинган ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш йўлидаги муҳим қадам сифатида хизмат қилади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси 2023 йил 1 майдаги янги таҳрирда қабул қилинган Конституциясининг 78-моддаси. <https://lex.uz/docs/6445145>
2. Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси 150-модда
3. Газета.uz.28 июль 2021 йил Сиёсат. “Болалар ғамхўрликни тўлиқ ҳис қиляптими? “Етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни қўллаб-қувватлашга бағишланган видеоселектор йиғилишидан

4. https://t.me/oaka_uz. Август 17,2023
5. “Аҳолига сифатли ижтимоий хизмат ва ёрдам кўрсатиш ҳамда унинг самарали назорат тизимини йўлга қўйиш бўйича комплекс чора-тадбирлари” тўғрисидаги 01.06.2023 йил ПФ-82-сонли Фармон.
6. <https://mehribonlik.uz>news>2024>
7. Германия асосий қонуни.Grundgesetz. 6-модда.
8. Европа давлатларида ёшлар ва болаларни ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асослари. И.Долгова. “Ёшлар ҳуқуқлари: имкониятлар, ва ҳимоя қилиш механизмлари” Республика илмий-амалий анжумани материаллар тўплами. 2024 йил 26 март.
9. “Save Our Souls” инглиз тилидан таржимаси “Бизнинг жонимизни қутқаринг”.Википедия.<https://ru.wikipedia/org>wiki>S...>
10. Гайсина Г.И. Семейное устройство детей-сирот и детей, оставшихся без попечения родителей: Российский и зарубежный опыт. 2013. URL:<http://www/rth.ru/downloads/Books/134693008/.cnh> 124.
11. Татаринцева Е.А. Новые тенденции в развитии законодательства об усыновлении в Англии . 2009. URL:<http://www/juristlib./ru/book.4883.html> (дата обращения:17.01.2015)
12. Бесчетнова О.В. Фостерная семья как способ устройства детей, оставшихся без попечения родителей.
13. Савенко О.Е. “Формы устройства детей оставшихся без попечения родителей в зарубежных странах” Вестник Университета имени О.Е.Кутафина. стр 126-127
14. Горшкова А.Е., Емельянова И.А. Забота о сиротах в США //Детский дом.2005 №3 (16).С.34-35.
15. О.В.Бесчетнова “Пиемная семья как форма устройства детей-сирот и детей, оставшихся без попечения родителей, в США.Человек, общество, культура.2009 г.
16. Гайсина Г.И. указ.соч.С.103.
17. Савенко О.Е. “Формы устройства детей оставшихся без попечения родителей в зарубежных странах” Вестник Университета имени О.Е.Кутафина. стр 131
18. Оила кодекси 150-модда.